

ЧОРВАЧИЛИК ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НАЗОРАТИДА

1985 йил ҳўжалик собиқ раҳбарларнинг масъулиятини тўғридан тўғри Олжоннинг «Олжон» колхозини сўт-товар фермасида зооветеринария қўйларига кўп ўқувчи бўлиб, Ферманнинг санитария ҳолати ёмон аҳволда ташлаб қўйилди. Бунинг оқибатида сиғирларнинг бир қисми касалга чалинди. Уларнинг 116 боши мажбуран сўйиб юборилди.

Энди ҳўжаликда бошқа тармоқлар сингари бу соҳада ҳам катта зарар қўриш хавфи тугилди. Аммо колхоз чорвадорлари ўзларининг бор маҳоратлари, кучлари ва имкониятларини ишга солиб моллар парваришига эътиборин қаратдилар, кўпроқ маҳсулот етиштириш чора-тадбирларини кўрдилар.

Ҳақиқатан ҳам аҳолимиз жуда оғир эди, — дейди ферма мудури Турсунбой Қўрғонов. — Биз биринчи навбатда молларни тўғри равишда асосда бўлиб, кишлоқ учун жамғарилган озуқадан тежаб-тегаб фойдаланишга ҳаракат қилдик. Молларнинг маҳсулдорлигига қараб концентрат озуқалар бериб боришди. Бутун кишлоқ давомида озуқа цехининг узлуksиз ишлашини таъминлаб, молларга нишқўрда чиқариладиган, хушқўр эмиш тайёрлаб бердик.

Фермадаги аҳолининг адиб-лик билан яхшилаш учун зооветеринария тадбирлари ишлаб чиқилди. Озолачиларликка қатъий амал қилинди. Соғувчи ва молбоқарлар ўр-сасида ўтказилган ўзаро социалистик мусобақанинг шартига кўра голиблар

сиғир-бўзоқларнинг тозалиги, молхоналарнинг санитария ҳолатига қараб рабаблантириб борилади. Натижа чакки бўлмади. Ўтган йил якунига кўра давлатга йиллик планда белгиланган 1025 тонна ўрнига 1078 тонна сўт сотилди. Етиштирилган бир центнер сутнинг таннарих пландагидан 40 тиғинга арзонлаштирилди. Колхоз чорвачилигидан 130 миғ сўмга яқин соғ фойда олди.

Ҳозирги кунда фермада жами 346 боши сиғир бор. Шундан 268 боши соғин си-

тонна атала тайёрловчи агрегат ишга тушди. Бу тадбирлар эса тез кунда самара берди, сўт кўпайди. Ойлик ва квартал планлари ба-жарила бори.

Колхозда бу йил давлатга жами 1015 тонна сўт сотиш планлаштирилган. Иккинчи кварталда чорвадорлар планда белгиланган 270 тонна ўрнига 290 тоннадан ортиқ сўт топиштиришмоқчи.

Сиғирлар подасини зотдор моллар ҳисобига тўлдириш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилмоқда. Фер-

3800 тонна сўт бостириш кўзда тутилмоқда. Ҳозир 66 гектар майдонда сўт учун маккажўхори парваришланаяпти, — дейди колхоз раиси Умар Ҳожиёв. — Ҳосилдорлиғи 400 центнерданга етказамиз. Бироқ, биз қўқорида белгиланган режани ала шу майдондан олинган ҳосил билан амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун яна 60 гектар ерга такор маккажўхори экамиз. Ундан 1200 тонна сўт тайёрлашмоқчи.

Ҳўжаликда озуқа етишти-риш ишлари билан Налибой

майдаловчи механизмларни ишлатишмоқдалар. Энди ки-шлоқ даврида, озуқанинг бу турини агрегатлар ёрдамида майдонда ўтиришга ҳолат қўлайди. Ҳозир 213 тонна беда пичани ана шу усулда тайёрлаб қўйилди.

Булардан ташқари кол-

хозда кишлоқ учун 535 тонна сомон, 250 тонна табиий ўт пичани тайёрланади. Бу ишларни амалга ошириш учун комсомол-ёшлардан иборат озуқачилик бригадалари ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Улар ариқ бўйла-ри, боғ ва тоқорлардан табиий ўт пичани жамғариша-ди.

КПСС Марказий Комите-тининг «Меҳнатсиз даромад-ларга қарши курашни қў-чайтириш тадбирлари тўғри-сида»ги қарорида ҳўжасиз-лик ва исофратчиликнинг ҳар қандай кўринишларини қатъий билан тугатиш, со-циалистик мулкнинг пишиқ-пuxта сақланишини таъмин-лаш лозимлиги алоҳида таъ-кидлаб ўтилган. Ферма чор-вадорлари бундан буён кол-хоз мулки бўлган барча қо-рамолларни беталофат сақ-лаш, улардан маҳсулот оли-шини янада кўпайтириш чора-тадбирларини кўради-лар. Бунинг учун ҳўжаликда, фермада намунали тартиб ўрнатилади, меҳнат интизо-мига қатъий риоя қилинади.

Қ. КАРИМОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

САБОҚ

гирлардир. Ҳар бош соғин сиғирдан кунига 13 кило-граммдан ортиқ сўт олино-ди, давлатга 3200—3300 кило-грамм маҳсулот сотилмоқда. Илғор соғувчилардан Мария Аҳмедова, Ҳанифа Булди-рова, Лена Норбоева ва Ра-шан Тожиёва, молбоқар-лардан Ҳайдар Раҳимов, Мусал Тожиёв, Зоир Го-фуров, Исроҳил Дехонбоев ва Турсунбой Бойғўловлар ўз ваизабаларини виқдонан ба-жариб келмоқдалар.

Ҳўжаликда ўтган йил кўзда 30 гектар ерга ораниқ экинлари уруғи сеппилган-ди. Чорвадорлар эрта баҳорда кўк озуқани ўриб олиб мол-ларга едиришди. Бундан ташқари фермада кунига 5

мада сунъий урчиш пун-кти ишлаб турмоқди. Ҳозирги кунда гўшта топиштирилган сиғирларнинг ўрнини қоплаш учун 70 бош ола-қора зотли гунажинлар парваришлан-моқда. Ил ҳозирга бориб фермадаги жами сиғирлар соғи 400 боддан ошади.

Колхоз чорвадорлари маҳсулот етиштиришни кў-пайтириш билан бир қатор-да 1986—87 йил кишлоқни учун мўл ва сифатли озуқа жамғаришга ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Бу йил ҳўжаликда кишлоқга 1,5 миғ тонна дағал лавна, 860 тонна озуқа лавлагиси тайёрланади. Шунингдек,

Абдувалиев ва Тангриберган Алматовлар бошлқ механизациялаштирилган махсус бригадалар шугулланмоқда. Айни пайтда 55 гектар ерда дон учун маккажўхори, 23 гектар жойда озуқа лавлагиси етиштирилмоқда. Барча экинларга пешма-пеш ишлов берилиб, минерал ўғитларга тўйилди. Қондириб сўғи-рилди. Ҳозир ривож яхши. Озуқадорлар макка дони ҳо-силдорлиғини 45, лавлагини эса 400 центнерданга ет-казишмоқчи.

125 гектар майдонда экин, 60 гектар ерда эса янги бе-да бор. Колхоз озуқадорла-ри бу йил янги сотиб оли-ган «Е-301» ва «Е-281» мар-кали бедани ҳам ўриб, ҳам

НАЗАРИЙ ПУХТА, АММО...

ЭРТАГИСИ ЙИГИШТИРИБ БЎЛИНДИ

КАЛИНИН районидagi Калинин номи колхозини Ҳамид Каримов бошчилик қилаётган бригадани саба-воткорлари баракани меҳнат қилишмоқда. Улар айни кун-ларда эртани сабабот экинларини йиғиб-териб оли-шини якунлашмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ша-ҳарликлар дастурхонига 200 тоннадан ортиқ турли хил маҳсулотлар жўнати-лиди. Бригада миқришчилари картошканин Ҳар гекта-ридан 140 центнердан, ма-рамдан 320 центнердан ма-ҳсулот йиғиштириб олишмоқ-да. Помидор ҳосилдорлиғи эса гектар бошига 200 центрга етказилди.

Бригаданин 22 гектар майдондаги бедага ҳам иш қилишди. Тоқорлар эл вақти-да хотин қилинди. Коллек-тивнинг Маной Собиров, Нўра Ҳикматов, Тўғчи Ту-роров сингари соҳибкорлари бу йил ҳар гектар узумзор-дан пландаги 110 центнер ўрнига 120 центнер ҳосил йиғиштириб олиш учун ку-рашмоқдалар.

Айни кунларда ҳўжалик-нинг бошқа бригадаларида ҳам эртани екинлар йиғи-терими якунланмоқда. Сьездлар йилида колхоз деҳқонлари давлатга 6 миғ тонна сабабот, етказиб бе-ришга сўз беришган.

Н. АБДУҚОСИМОВА.

МЕТАЛЛОЛОМ ВАТАНГА

Тошкент областида 1986 йил июнь ойида металлолом тайёрлаш планининг бажари-лишини тўғрисида (16 июн-гача ойлик планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи устун — қора; иккинчи устун — рангли металллар).

МАЪЛУМОТ

ШАҲАРЛАР:

Тошкент	38,7	47,3
Ангрэн	32,5	46,1
Олмалиқ	30,9	41,0
Бекобод	29,0	45,9
Охангарон	28,7	11,0
Чирчиқ	26,7	35,4
Янгибод	25,0	100,0
Янгибўл	22,8	23,6
Нарманов	21,7	43,9

РАЙОНЛАР:

Бекобод	27,5	—
Пискент	26,3	85,7
Ғалаба	25,9	28,2
Бўна	25,6	29,4
Бўстонлиқ	25,5	27,6
Оққўрғон	25,2	11,5
Паркент	25,1	25,0
Коммунистик	25,0	30,0
Тошкент	19,5	54,5
Янгибўл	17,0	18,2
Чиноз	13,5	22,7

Область бўйича	33,4	46,0
----------------	------	------

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

материаллари изидан

«АВТОБУС ХИЗМАТИ ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?»

ГАЗЕТАНИНГ шу йил 6 май сонида босилган юқори-даги сарлавҳали мақолада 134 ва 110-маршрутларда қатновчи автобусларнинг йўловчиларга хизмат кўрсати-шида йўл қўйлаётган камчиликлар таъкид қилин-ган эди.

Мақолага пассажирлар таъшиш области ишлаб чиқари-ш авторстретнинг бошқа рувчиси А. П. Шендани жа-воб олинди. Унда мақола ав-торстретнинг тегишли бўли-мларида, Калинин ва Келес автобус-таксимотор парк-ларида муҳокама қилинган-

лиги айтилди. Шунингдек, жавабда Келес автостанция-сидан йўл заводи ва «Бўз-сув» совхозларига қатновчи автобус маршрутларидagi қўқонлар ҳақиқий таъкид қилинганлиги таъ олинди. Бу маршрутларга кўнчида белгиланган автобусларнинг чиқарилашлиғи, чиқанла-ри ҳам графика риоя этила-ётганликлари кўчилик йў-ловчиларнинг эътирозларига сабаб бўлган.

Авторстрет маъмурияти те-гишли автохўжаликлардан нуқ-сонлари дарҳол бартараф этиш ҳақида тегишли тад-бирлар қўришни талаб қил-ди.

Келес автобус-таксимотор парк маъмуриятига Келес

автостанцияси орқали йўл заводига қатновчи маршрут тез кунда тиклаш, бу марш-рутга белгиланган автобус-ларни чиқариш ҳамда улар-нинг сонини кўпайтириш, қатнаш графикани қайта кў-риб чиқиш топирилди.

Маъмур маршрутларнинг иши устидан назоратни бў-лаштириб юборгани, доимий равишда автобусларнинг қатнаш графикаларини бузи-лишига йўл қўйганликлари учун Келес автобус-таксимо-тор паркиннинг эксплуатация бўлими бошлиғи Ш. С. Сид-диқовга ва автоклубга бош-қар Р. В. Отаматовларга ҳайфсан эълон қилинди.

«ПАЗ-662» автобусининг шофери Н. Назировга ўзига ишониб топирилган техни-

кага масъулиятсизлик билан қараганлиги ва белги-ланган маршрутдан четга чиққанлиги учун ҳайфсан эълон қилинди.

Калинин автобус-таксо-мотор паркига қарашли «Ке-лес — Бўзсув» совхози ора-лида қатновчи маршрут-лардаги автобуслар кўнчида ёниги-мошлай материалла-ри билан ўз вақтида таъ-минланмаслиги оқибатида графикалар бузилиши содир бўлган. Юқоридаги камчи-ликларга йўл қўйганлиги учун шу автобусларнинг 1-а-в-токлуби бошлиғи Э. Қўд-ратовга ҳам ҳайфсан эълон қилинди. Мақолада кўра-тилган маршрутлардаги автобуслар қатновчи доимий назорат остига олинди.

ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Совет Иттифоқи ўз оддига экономикани қайта куришдан, совет жамияти тараққийини жадаллаштиришни, катта-катта социал вазибаларини ҳал этишни, мамлакатнинг пишиқ-пuxта мудофасини таъминлайдиган замонавий моддий-техникавий база барпо этишдан иборат улуғвор жуда аниқ-равшан мақсадларни қўймоқда. У ҳамиянинг манфаатлари-га хизмат қилаётган кенг ҳалқаро ҳамкорлик учун, курулослашнинг учун ва ядро курулини тугатиш учун, инсониятнинг тинчлиги, инсоний олдига пай-до бўлган муаммолар оқилона ҳал этилиш учун курашмоқда. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми якулари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Пленумда қилган доклады ҳусусида ҳалқаро миқёсда билдирилатган кўндал-кўн фикр ва мулоҳазаларнинг асоси мана шундай.

СОФИЯ. КПСС XXVII съезидан кейин совет жамияти сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларининг ҳам-масида ҳаракатга келди, бу-ни М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг Пленумида алоҳида таъкид-лаб ўтди, деб ёзади «Работ-ническо дело» газетаси. Иж-тимоий тараққийёт кудратли ва жўшқин омилига эга бў-либ қолди, шу омил омма-нинг сиёсий онги кўлф ури-шига олиб келди. Совет коммунистларининг съезди-да ҳўм сурган талабчанлик, ҳаққонийлик муҳити жами-ни амалий ишларга сафар-бар этувчилик таъсирини ўт-казмоқда. СССРни иқтисо-дий ва социал ривожланти-ришининг 1986—1990 йил-ларга мўлжалланган беш йиллик плани совет халқи-га хўжаликдаги тўб ўзгар-тишларни амалга ошириш, халқ фаровонлиғи даража-сини кўтариш йўлида фа-техника тараққийини жа-даллаштириш мақсадини қўймоқда. Белгиланган ре-жаларни амалга ошириш Со-вет давлатининг кудратли ва раванқини янада оши-ришни билдиради. Ҳалқаро майдонда социализм мавқеи кучайишини, ер юзиди тинч-лик мустаҳкамлашини билдиради.

ПРАГА. СССРнинг ўн ик-кинчи беш йиллик плани КПСС XXVII съезиди ишлаб чиққан иқтисодий ва социал сиёсатни амалга оширишга қатна қадамидир, деб таъ-кидлайди «Руде право» га-зетаси. Советлар мамлакат-нинг тапқи сиёсий йўлига келганда, у курулоснинг пой-гасини жиливолашга, ядро курулини тугатишга, тинч-лигини мустаҳкамлашга қар-атилганлигини КПСС Мар-казий Комитети Пленуми-нинг якулари яна бир бор эъ-тиқод билан тасдиқ-лади. КПСС Марказий Ко-митети Бош секретарининг докладада Варшава Шартно-масида қатнашувчи давлат-лар Сиёсий маслаҳат коми-тети кенгашининг натижаля-рига юқори баҳо берилди. Бундай баҳо берилиш учун ҳамма асослар бор: Бунда-пешта тўла-тўлиқ намоён бўлган бирлик, иқидий ҳам-корлик социализмнинг ҳалқ-аро сиёсатини бойлатди, унинг жаҳон майдонидида ҳаракатларга янада кўпроқ салмоқ бахш этди. Венгрия пойтахтида қабул этилган қарорлар социалистик мамлакатларнинг халқаро

вазиратини соғломлаштириш учун курашга қўнган катта ҳиссаси бўлди. АҚШ ра-барларининг зўравонликка, ядро курулига ва террорчи-лик бебошлиғига қилаётган умидлари кескин қораланди. Совет Иттифоқи, унинг дўстлари ва иттифоқчилари халқларнинг зғу умидларига қарашли бўлиб тушадиган ўз ташаббусларини бундан бу-ён ҳам сабот билан ўтказ-абардилар.

БЕРЛИН. КПСС Мар-казий Комитетининг Бош сек-ретари, деб таъкидлайди «Нойес Дойчланд» газетаси. Женевада ўзаро мақбул би-тимга келишнинг амалий имкониятларини излаш йў-лидан қатъий билан олға боришга қарор берган СССР АҚШга қаратаги қарши му-дофва ҳусусидаги шартнома-дан камида 15 йил мобайни-да чиқмаслик тўғрисида бир битимга келишни, «страте-гик мудофва ташаббуси» со-ҳасидаги ишларни эса лабо-ратория тадқиқотлари дара-жаси билан келтириш таъ-кид қилганлигини ўқитиб ўтди. СССР Европада ўрта-ча олислик ракеталари тўғ-рисидаги битимнинг аниқ-равшан ва амалий лойиҳа-ларини киритди. Мана шулар-нинг ҳаммаси советлар мам-лакати тинчликсеварлигини яққол далиллади. Со-ветлар мамлакатни жаҳон ў-з тараққийининг шундай фа-засига кирдики, энди ҳозир-ги замоннинг тўб масалала-рини ҳал этишдан бўйин то-лаш—бутун цивилизация-нинг тақдирини тахлика ости-га қўйишни билдиради, де-ган фикрга асосланиб иш тутмоқда.

ВАШИНГТОН. «Вашинг-тон пост» газетасининг ма-қолисида бундай дейилади: совет раҳбари Пленумдаги докладада АҚШ президенти билан олий даражада янги учрашув ўтказиш мумкин-лигини, аммо бунинг учун реал битимларга эришиш истибқолини очадиган му-ҳит зарурлигини айтди. Шу билан бирга у Қўшма Штат-ларнинг хатти-ҳаракатини, шу жумладан унинг СҚЧ-2 шартномаси қондаларига риоя этимаслиқ ниятини тан-қид қилди, бу ахиринги ма-қола қилмаслик ҳалқаро ва-зиятни баттар кескинлашти-риши мумкинлиги Москвада таъкидлаб ўтилди. Қўшма Штатлар Совет Иттифоқи-нинг ядровий портлатишлар-ни тўхтатиб туртишга қў-шилишдан бош тортаётган-

лиги жаҳон аҳлини ташвиш-та солмоқда, деди М. С. Горбачев.

АП агентлиги хабар қи-лади: М. С. Горбачев Европа-даги ўртача олислик ядров-ий ракеталарини чеклаш тўғрисидаги битим лойиҳа-сини таъкид этди. Башарти Европада ўртача олислик ку-рулини чеклашнинг таъкид этилаётган шартлари ҳусу-сида бир битимга эришилса, Осиёда ўртача олислик яд-ровий ракеталари сонини кў-пайтирмаслигини СССР би-ринчи бор таъкид қилди. Йеневадаги курулосла-ниги бағишланган музока-раларда томонлар силсимий турганлиги Қўшма Штатлар-га жуда маъқул бўлиб ту-шаётганини совет раҳбари ўқитиб ўтди.

ЛОНДОН. Рейтер агент-лиги қўйидагиларни таъкид-лайди: совет раҳбари курул-ояролар устидан контрол-лик ҳусусида Москванинг бир қанча таъкидларидан воз кечаётган Вашингтонни танқид қилди, бироқ, реал битимларга эришиш истиб-қолини очадиган муҳит ву-жудга келтирилмадиган бў-са, олий даражадаги янги Америка-Совет учрашувини ўтказиш мумкинлигини айт-ди. Москванинг фикрича, Вашингтондагиларнинг хат-ти-ҳаракатлари у ердигилар олий даражадаги янги учра-шуви хоҳлашларига шубҳа-ланиб қарашга мажбур эт-моқда.

Совет Иттифоқининг яд-ровий портлатишларини ўз ичига олиб тўхтатиб қўйганлиги ва космосни қўрқуридан ҳоли деб эълон қилишга қўйишдан АҚШнинг бош тортганлиги, шунингдек АҚШнинг курул-ослашнинг проблемаларига бағишланган турли музока-раларда муҳокамаи ҳалол олиб боришни истамаслиги Вашингтоннинг салбий ёнда-шуви мисолларидан эканли-ги Москвада кўрсатиб ўтил-ди. Совет Иттифоқи АҚШ-нинг ракета-ядро соҳасидagi устуллигига ҳеч қачон йўл қўймаслиги таъкидланди.

БОНН. КПСС Марказий Комитетининг Бош секрета-ри курулослашнинг соҳасида социалистик мамлакатлар кўтариб чиқаётган тинчлик ташаббусларига АҚШнинг муносабатини танқид қилди ва қарола, аввало АҚШ-нинг ҳўмрон реакция юю-ри тўдаси кескинлик юмша-шуви истибқолини ўз ма-нафаларига ҳавф деб била-ётганини ўқитиб ўтди, деб хабар қилди Ғарбий Герма-ния телевидениеси. АҚШ президенти билан олий да-ражадаги учрашувга келган-да, М. С. Горбачев таъкид-лаб ўтганидек, бундай уч-рашув бўлиши учун реал би-тимларга эришиш имконини берадиган тегишли муҳит яратилиши керак. Вашинг-тон маъмуриятининг хат-ти-ҳаракатлари эса, Москва-нинг фикрича, Вашингтон-дагилар янги учрашувни хоҳлайдиларми? деган ҳақ-ли саволи келтириб чиқар-моқда. (ТАСС, 17 июнь).



КПСС XXVII СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

ТОКИО, 18 июнь. (ТАСС). Япониядаги «Аризусио» на-шрияти бу ерда КПСС XXVII съезди ҳужжатлари тўпламининг кўп нусхада бо-сан қилди. Тўплам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горба-чев қилган КПСС Марказий Комитетининг партия съез-да Сиёсий доклады билан очилди. СССР Министр-лар Совети Раиси Н. И.

Рижковнинг «СССРни иқти-содий ва социал ривожлан-тиришининг 1986—1990 йил-ларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжаллан-ган Асосий йўналишлари» тўғрисидаги доклады, пар-тия Программаси ва Устави, съезд Резолюцияси ва бош-қа ҳужжатлари ҳам тўплам-га киритилган. Тўплам со-тишга чиқарилди.

ЯПОНИЯДА мамлакат-ни ҳарбийлаштиришга қар-ши ҳаракат тобора кенгайиб бормоқда. Аёллар шундай курашчиларнинг олдиги сафарида боришпти. Улар Япониядаги прогрессив сиё-сий ва жамоат ташкилотла-рининг вакиллари билан бри-галикда либерал-демократ-лар ҳўкуматида Японияда ҳарбий кучларни кўпайти-риш «сиёсатидан воз кечи-ши талаб этилмоқдалар. Сура-да: шундай короликлик намо-йишларининг бирида.

ЖАПАН пресс—ТАСС

ДИН РИД ҲАЛОҚ БЎЛДИ

БЕРЛИН. 17 июнь. (ТАСС). АДН агентлиги-нинг хабар беришича аме-риканлик машҳур қўшқинчи ва артист Дин Рид бахтсиз ҳодиса натижасида фожиали ҳалок бўлди. У ўзининг ижо-дани инсоният боши узра қайдо бўлган ядро ҳафига қарши курашга бағишлади. Унинг концертларида, сиёсий қўшқилар фестивалларида ак-тиро этган номерлари, ак-

тёр ва режиссёр сифатида кино соҳасидаги фаолияти тинчликка жўшқин даъват бўлди. Дин Рид қаерда ўз санъатини намоиш қилма-син, тинчлик ишига садоқ-ати ҳамшира ёрин ва жўшқин намоён бўларди. Унинг ха-рактери реакция кучларига қарши қўндал-қўн ва оғир олишувларда тобланиб, де-йилди бу ерда эълон қи-линган таъзияномада.

КОСМИК ҚУРОЛЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ГРУППА МАЖЛИСИ

ЖЕНЕВА, 17 июнь. (ТАСС). Бутун бу ерда яд-ровий ва космик қуруллар юзасидан Совет-Америка му-зокаралари доирасида кос-мик қуруллар билан шугу-лланувчи группанин мажли-си бўлди.

